



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 24-may. Seshanba

62 (31.338)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 май кунни Оқсаройда БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Хелен Кларкни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон БМТ Тараққиёт дастури фаолиятини юксак қадрлашни таъкидлади. Тараққиёт дастури БМТнинг ривожланиш соҳасидаги глобал тизими бўлиб, бутун дунё бўйлаб аҳоли турмушини яхшилаш мақсадида янгилашларни қўллаб-қувватлаш, билим манбалари, амалий тажриба ва ресурслардан фойдаланишга имкон яратиш билан шугулланади.

Ўзбекистон БМТ аъзоси сифатида халқаро ва минтақавий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Президент Ислам Каримов БМТ минбаридан бир неча бор халқаро ҳамжамият эътиборини бугунги куннинг долзарб масалаларига қаратди. Жумладан, давлатимиз раҳбари БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни ҳамда изчил тараққиётни таъминлаш, аҳоли-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари устувор вазифалардан эканини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизни хар томонлама ривожлантириш борасида Ўзбекистоннинг ўз модели изчил амалга оширилмоқда. БМТ Тараққиёт дастурининг асосий мақсад ва вазифалари ўз мазмун-моҳиятига кўра бунга ҳамохандир. БМТ Саммитидан сўнг Ўзбекистонда 2011-2015 йилларда Мингйиллик ривожланиш мақ-

садларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплекси тасдиқланди. БМТ агентликларининг БМТ Бош котибининг ўтган йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича тайёрланган Орол денгизи инқирози оқибатида зарар кўрган аҳолининг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш бўйича қўшимча дастурини амалга ошириш ҳамкорлигининг яна бир устувор соҳасидир.

Ўзбекистонда бугунги кунда БМТ Тараққиёт дастурининг ижтимоий-иқтисодий ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига оид 30 дан ортиқ лойиҳаси амалга оширилмоқда, яна 8 лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Хелен Кларк самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Республикасининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларида белгиланган асосий вазифаларни бажариш борасида эриш-шаётган ютуқларига юксак баҳо берди.

Очиқлик ва ўзаро манфаатдорлик руҳида ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан БМТ Тараққиёт дастури ўртасидаги муносабатлар, жорий қўшма лойиҳаларни самарали амалга ошириш ва янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиктирган бошқа долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа



Партия электорат муаммоларини

амалий ҳаракатлар билан ҳал этмоқда

ЎзХДП Марказий Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк ҳамда «Микрокредитбанк» ОАТБ ҳамкорлигида Урганч шаҳрида ўтказилган форум доирасида қатор тадбирлар ташкил этилди.

КЎРГАЗМА — ЎЗ ИШНИ ОЧМОҚЧИ БЎЛГАН ЁШЛАРГА КЎМАК

Вилоятнинг барча ҳудудларидан келган тадбиркор, касаначи, оилавий бизнес вакиллари ва хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси ёшлар тажриба ўрганиши учун катта аҳамиятга эга бўлди. Кўргазмада элликдан ортиқ тадбиркор ҳамда мулкчиликнинг турли шаклларида ўз бизнесини муваффақиятли йўлга қўйган хунармандлар, касаначи ва кичик бизнес вакиллари иштирок этди. Улар орасида, энг чекка кишлоқларда ҳам ишни тўғри йўлга қўйиб, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқараётган, бозорларимизни арзон, сифатли маҳсулотлар билан тўқин қилишга муносиб ҳисса қўшаётган юрtdошларимиз

кўпчилигини ташкил қилади. — Хунарни онамдан ўрганганман, — дейди урганчлик уста-хунарманд Фароғатхон Саъдуллаева. — Етти йилдан бундан кўра тадбиркорлик билан шугулланиб, зардушлик, каштачилик ва Хоразмнинг миллий ёйма усулида тикиладиган кўрпаларини тайёрлаш билан шугулланаман. Дастлаб иш бошлаганимда тикув ускуналари харид қилиш учун ўз сармоямни қўйган эдим, кейинчалик фаолиятимни кенгайтириш мақсадида банкдан имтиёзли кредит олдим. «Уста-шоғирд» мактаби очиб, қизларга бу хунар сирларини ўргатдим. Маҳалламизнинг ўнлаб хотин-қизлари бугун мустақил равишда хунармандчилик билан шугулланмоқда. Биз қўлда тўқийдиган, миллий матолардан тайёрланган маҳсулотларга ҳатто чет элда ҳам харидор кўп.

— 2009 йилда «Агробанк»нинг туман бўлиmidан 150 миллион сўм кредит олдик ва шу маблағ эвазига сутни қайта ишлашни йўлга қўйдик, — дейди Шовот туманидаги «Шовот-2001» фермер хўжалиги раҳбари Равшан Ражабов. — Хориждан кераклик ускуналар келтирдик. Бугун корхонамизда 12 нафар ходим ишлаяпти. Хар кундан олти турда, қарийб икки тонна маҳсулот ишлаб чиқариб, туман мактаблари, мактабча таълим муассасалари ва шифохоналарга етказиб бераёلمиз. Туманимизда фаолият юритаётган чорвачиликка ихтисослашган 28 та фермер хўжалиги корхонамизга сут етказиб бермоқда. Кўриб турганимиздек, яратилган шарт-шароит чекка бир кишлоқда катта тадбиркорликни йўлга қўйишга имкон яратди. Уста-хунарманд, тадбиркор ва касаначилар кўргазмага келган ёшлар, тажриба алмашиш истагидаги кишиларга иш усули, келгун режалари ҳақида гапириб берди. Ёшлар кўнглида ўз бизнесини очишга иштиёқ уйғонди.

БАНК — ТАДБИРКОРГА МАДАДҚОР

Форум доирасида тижорат банклрининг микроолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича услубий ва методик материаллари кўргазмаси ҳам ташкил этилгани ташриф буюрувчилар учун янада фойдали бўлди. — Кўпдан буён назарий ва амалий жиҳатдан бир-бирига уйғун бўлган бундай тадбирда қатнашмаганим, — дейди Богот тумани Деҳқонбозор қишлоғилик тадбиркор Худайназар Султонов. — Форумда, айниқса, ёшлар, ўз бизнесини бошламоқчи бўлганлар кўп фойдали маслаҳат олишди. Биз тадбиркорликни ўн йил олдин бошлаган эдик. Энди ишни янада кенгайтириш ҳаракатидамыз. Мана имкон, мана шарт-шароит. Ҳозир банклар хизматлари билан янада яқинроқ танишиб, ўзим учун маълумот олаёлам. Бу эса келгун ишларимизда жуда асқотади.

→ 2

Муносабат

Олий таълим ислоҳотининг навбатдаги босқичи

Президентимизнинг кунни кеча матбуотда эълон қилинган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган таълим ислоҳотини навбатдаги босқичга олиб чиқади.

→ 2



Улуғбек ЗОКИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Рухсат бериш тартиб-қоидалари

демократлашиши тадбиркорлик фаолияти равнақиға хизмат қилади

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодий-либераллаштиришни янада чуқурлаштириш, бу борада бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий белгиланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш кераклиги таъкидланди.

→ 2



Ўзбекистон йўллари

→ 3

Эътироф

Ўзбекистон ташқи дунё билан алоқаларни, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни кенг кўламда ривожлантириш йўлидан бораётир. Бугун унинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон — истиқболли порлоқ мамлакат. «Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, қўшимча иш ўринлари яратишга, аҳоли фаронглигини янада оширишга хизмат қилаётир.

Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб бораётгани бизни гоят қувонтиради».

Со Чанг ХА,
(Жанубий Корея)

Янгиликлар

Ҳар бири меҳр ва эътиборда!

Юртимизда 26 май — 2 июнь кунлари «Ҳар бир фарзанда меҳр, эътибор!» ҳафталиги бўлиб ўтади.

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамда болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси томонидан ташкил этилаётган кўп йилликдан кўзланган асосий мақсад юртимиз ўғил-қизларини истиқлол йилларида барча жаҳонларда эришилган улкан ютуқ ва марралар билан яқиндан таништириш, айниқса, ёш авлод камолоти ва истиқбол йўлида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган меҳр ва эъзознинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгу шуғрига синдириш, ижтимоий ҳимома муҳтож болаларга кўрсатилаётган ёрдам қўламини тобора кенгайтиришдан иборатдир.

«Ҳар бир фарзанда меҳр, эътибор!» ҳафталиги мобайнида ижтимоий ҳимома муҳтож оилалар фарзандлари, жисмоний имконияти чекланган болалар, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари иштирокида аниқ йўналтирилган мақсадли хайрия тадбирлари ташкил этилади.

Кўргазма очилди

«Ўзкўргазмасавдо» кўргазмалар залида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган «Кичик бизнес ускуналари ва маҳсулотлари» кўргазмаси очилди.

Кўргазманинг асосий экспозициясини Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ташкил қилади. Унда кичик бизнес учун мўлжалланган ускуналарни ишлаб чиқариш бўйича кўп йиллик тажрибага эга 50 дан ортиқ етакчи компаниялар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг замонавий минитехнологиялар ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўлими бошлиғи Саркор Исанбоевнинг айтишича, ҳар қандай бизнес учун ишлаб чиқариш, маркетинг, молияни бошқариш талаб этилади, ани пайтда бунинг учун махсус ускуналар, хомашё, мутахассисларга эҳтиёж сезилади. Бугунги кўргазмада мақкур йўналишларда муваффақиятли фаолият юритаётган Хитой компаниялари ана шуларнинг барчасини тақдир этади.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 YIL 24 MAIDAN BOHLAB HORIJII VALYUTALARINING SՄMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI

1 Австралия доллари	1798,10	1 Миср фунти	285,87	1 СДР	2707,84	10 Жанубий Корея вони	15,57
1 Англия фунт стерлинги	2757,56	1 Канада доллари	1743,27	1 Туркия лираси	1068,42	10 Япония иенаси	207,89
1 БАА дирхами	463,33	1 Хитой юани	261,90	1 Швейцария франки	1935,16	1 Россия рубласи	60,96
1 АҚШ доллари	1701,78	1 Малайзия ринггити	559,06	1 Евро	2418,23	1 Украина гривнаси	213,30

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Рухсат бериш тартиб-қоидалари

демократлашиши тадбиркорлик фаолияти равнақига хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонуний меъёрлар билан кескин таққуш тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари эркин фаолият кўрсатишида муҳим аҳамият касб этади. Бу, айти пайтда, бошқарув идораларининг масъулиятини оширишга, таъмагирлик ва коррупция каби салбий иллатларнинг илдиз отишига ишончи тўсиқ бўлади. Шу боис Концепцияда илгари сурилган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида» қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси жуда долзарбдир.

Бугунги кунда мазкур соҳадаги муносабатлар қатор қонун, қонуности ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Хусусан, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун ва «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида» Олий Мажлис қарори бу йўналишда бир қанча ижобий натижаларга эришилшига имкон яратди. Лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият турлари қатъий рўйхатининг белгилангани, лицензия берувчи ваколатли давлат

органларининг ихтисослаштирилгани фикримиз далилидир. Ҳозирда тадбиркорлик субъектлари, фуқаролар қандай фаолият тури лицензияланади, қайси органлар қайси йўналишлар буйича лицензия бериш ҳуқуқига эга экани ва муайян фаолият тури учун қандай тартибда лицензия олиниши ҳақида тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан билиб олиши мумкин.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Хўш, ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши кўзда тутилган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун қандай ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиди?

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятига рухсат бериш тизимида лицензиядан бошқа бир қатор ҳужжатлар ҳам мавжуд. Мазкур қонун уларни бир тизимга солиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида бошқарувнинг очиқлигини таъминлаш, хусусан, турли бўйруқ ёки ҳатлар орқали рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турларини жорий этишни таққушга доир меъёрларни янада муштахкамлайди.

Бугун мамлакатимизда рухсат бериш тизимидаги мавжуд қонуний базани янада такомиллаштириш босқичма-босқич, яъни тизимли равишда амалга оширилмоқда. Шу боис,

Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Айтиш жоизки, қонун лойиҳасида рухсатномалар бериш тизимининг яна меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш, ваколатли давлат органлари томонидан рухсатномалар бериш шартлари ва тартибларини ўзаро мувофиқлаштириш, яъни шу соҳани тартибга солуви қонунчиликни битта тизимга солиш давр тақозосига айланди. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида ортқича бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тааллуқли бошқарув ҳаракатларининг очиқ-ойдинлигини таъминлаш, қонунчиликда назарда тутилган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турларини жорий этганлик учун жавабгарликни кучайтириш, айниқса, ўз ишини ташкил этиш, бизнесини йўлга қўйиш истагидаги фуқаролар учун катта қўлайлик яратди. Чунки мазкур қонун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсат бериш тизимининг тамойил ва қоидаларини белгилаш буйича асосий меъёрларни белгилаб беради.

Шу ўринда, ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш мuddатлари билан боғлиқ масалаларда айрим ноаниқликлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, тадбиркорликни юритиш учун рухсат бериш мuddатларини аниқ ўрнатиш, бунда имкон қадар қисқа мuddатларни белгилаш мақсадаги мувофиқдир.

Мазкур қонун лойиҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинадиган рухсатнома хусусиятига эга бўлган турли ҳужжатлар рўйхати қатъий белгиланиши, бир-бирини таққушладиган ҳужжатлар бу рўйхатдан чиқарилишига доир меъёрлар акс этиши қонун муаммаларини таъминлайди.

Рухсат бериш билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан бир тизимга солиниши эса тегишли қонуний меъёрларнинг самарали ишлатилиши, айни вақтда, мазкур муносабатларда иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди.

Шу орқали мамлакатимизда тадбиркорларнинг янада эркин фаолият юритиши учун қўлай қонуний муҳит яратилади. Бу ўз навбатида барқарор иқтисодий ривожланишга, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва маданияти юксалишига хизмат қилади.

Муносабат

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Олий таълим ислоҳотининг навбатдаги босқичи

Дарҳақиқат, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини муштахкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлашдан тўриб бугун таълим соҳасида кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда жуда долзарб аҳамиятга эга. Илгор педагогик технологиялар ва ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш маълакат тараққиётининг навбатдаги босқичида энг муҳим талаблардан биридир. Президентимиз қарори ана шу юксак мақсадларни назарда тутди.

Мустақил тараққиёт йўлимининг 20 йили мобайнида амалга оширилган бекиёс ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишга эришилди, фуқаролар фаровон ҳаёт кечирishi учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Албатта, бу жараёнда ишлаб чиқариш ва илм-фан соҳаси интeракциялашуви, иқтисодиёт тармоқларида малакали кадрларнинг фаолият кўрсатиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Қарорда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби тарифациясининг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш, «доцент» ва «профессор» илмий унвонларини бериш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларнинг кўрсатиши билан бирга, улар зинмасидаги вазифаларни самарали адо этиш масъулиятини ҳам оширади. Дунё тараққиёт замоний илм-фан ютуқларига таянаётган бугунги даврда бу, айниқса, муҳим ва долзарб масаладир. Шу боис, бугунги кун талабларига ҳар жиҳатдан жаоб берадиган кадрларгина юрт келажиги, эртаси учун муносиб хизмат қилишини унутмаслигимиз, энг муҳими, шундай кадрларни тайёрлаш йўлида яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишимиз керак.

Ноҳир ЖУМАЕВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисод фанлари доктори.

ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа

Партия электорат муаммоларини амалий ҳаракатлар билан ҳал этмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Жорий йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига 136 миллиард сўм миқдорда кредит ажратиш кўзда тутилган бўлса, ўтган 4 ой ичида ажратилган кредитлар 47,9 миллиард сўмни ташкил этди, — дейди Марказий банк вилоят бош бошқармасининг кичик бизнесни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Рашид Жуманиёзов. — Бу кредитлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга, қўллаб янги иш ўринлари яратишга асос бўлаётди.

«Ипотека» банкнинг вилоят филиали бошқарувчиси Рашид Ортиқов бу фикрларни давом эттирди:

— Банкимиз йил давомида салкам 8 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратишни режалаштирган. Бугун форумда «Ипотека» банк

сертификатини олган тадбиркорлар камида 50 та янги иш ўрни ташкил этиши кўзда тутилган.

ЯНГИ ИШ ҲИМОЯНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ МУСТАХКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Форум доирасида, шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада вилоятдаги 240 дан ортққ корхона, ташкилот ва муассаса ўзларида мавжуд 1200 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркада иштирок этганлар ўз соҳасига мувофиқ, айни пайтда, ўзларини қизиқтирган бошқа касблар буйича таклиф этилаётган бўш иш ўринлари билан танишишди. Айниқса, вақтинча ишсиз хотин-қизлар, ёшлар ва электоратимиз



вакиллари бўлган бошқа кишилар бу имкониятдан мамнун бўлишди.

— Урганч тиббиёт коллежини битираётган, — дейди Азиза Дурдиева. — Ҳозир ярмаркада таклиф этилган бўш иш ўринларини ўргандим. Ўз касбим буйича иш топдим. Хали диплом оlishимга икки ой бор. Шу боис менга уч томонлама шартнома имзолани таклиф этишди. Бу шартнома иш билан таъминланганимга кафолат бўлади.

Бундай фикрларни Азиянинг тенгқурлари бўлган кўлаб ёшлардан ҳам эшитдик. Демак, кўзланган мақсадга эришилди. Иш бeрyчи ўзида мавжуд бўш иш жойларини тўлдирish, вақтинча ишсиз кишилар эса ўзига маъқул иш топиш имконига эга бўлди.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ — МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА АСОС

Форум дастуридан ўрин олган кўнча Жамоатчилик қабулхонасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Назира Матякубова, Ҳафиза Қаримова ва вилоят Кенгаши депутати Ҳақимбой Худайназаров фуқароларни қабул қилишди.

Хонқа туман партия кенгаши раиси Ахмаджон Ваисов коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, табиий газдан айрим ҳолларда ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш, бу борада тегишли идоралар раҳбарларининг масъулиятини ошириш билан боғлиқ масалани кўтарди.

Янгибозор тумани Уйғур қишлоғида яшовчи Алижон Султано

нов чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган бизнес ташкил этиш ниятида юргани, ammo имтиёзли кредит олишда қийинчиликка дуч келётганини билдириб, бу борада амалий ёрдам суради. Хонқа шаҳарчасида Уктамбой Собиров шаҳарчадаги марказий ва ички йўллари таъмирлаш, бу ишларни тегишли дастурларга киритиш лозимлигини таъкидлади. Питнак шаҳридан Шаҳно Султанома мазкур шаҳарда вилоят телевидениеси кўрсатувларини кўриш имкони йўқлигини маълум қилди.

Аҳолини уйлантираётган шу ва бошқа масалаларни депутатларимиз диққат билан тинглашди, кўтарилган муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилаб олишди.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Халқаро ҳамкорлик янада ривожланади

Мамлакатимизда давлат ва жамяят қурилишининг миллий моделига асосланиб ҳамда умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ талабларини қисқача олган ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш борасида изчил иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон қўллаб халқаро шартномалар, конвенция ва битимларга қўшилибгина қолмай, улар буйича таъминланган мажбуриятларни бажариш, барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бу ҳужжатлар талабларига сўзсиз риоя қилишининг механизмининг қонун йўли билан муштахкамлаб қўйди. Давлатимизнинг бу борада амалга оширилган саяё-ҳаракатлари халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

2011 йил 4 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонун билан мамлакатимиз Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қўшилди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасида аполтил (Конвенция талабларига мувофиқ, унга давлатлар иштирокчиларининг расмий ҳужжатларига қўйилган махсус муҳр) қўйилган расмий ҳужжатларни кўрсатиш орқали унинг юридик кучини тан олиш тартибини соддалаштиришга олиб келади. Бу эса мамлакатимиз фуқаролари, ҳўжалик юритувчи субъектлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари учун муайян энгилликлар яратди. Шу билан бирга, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, хорижий инвесторлар, бизнес доираларининг мамлакатимизда фаол иш олиб боришига янада қўлай шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аполтил қўйилган расмий ҳужжатлар ҳеч қандай қўшимча легаллаштиришни талаб қилмайди ва улар Гаага конвенцияси иштирокчи давлатлари томонидан тан олинади. Мазкур конвенция иштирокчилари юзга яқинлигини инобатга олсак, ушбу давлатлар ўртасида расмий ҳужжатларнинг юридик кучи тан олиниши учун оддийгина аполтил қўйиш етарли хисобланади.


Ушбу Конвенция ахдлашувчи давлат ҳудудида амалга оширилган ва бошқа ахдлашувчи давлат ҳудудида тақдим этилиши керак бўлган расмий ҳужжатларга нисбатан амал қилади.

Шу билан бирга, мазкур Конвенция дипломатик ва консуллик агентлари томонидан чиқарилган ҳужжатларга ҳамда тижорат ёки божхона операциялари билан тўғридан-тўғри боғлиқ маъмурий ҳужжатларга нисбатан таъбиқ қилинмаслигига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Рундан ташқари, агар ҳужжат ахдлашувчи давлат юрисдикциясига кирмайдиган органлар томонидан чиқарилган бўлса, ушбу конвенция уларга нисбатан қўлланилмайди.

Мазкур Қонун қабул қилинганга қадар хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш бир қатор босқичларда амалга оширилди. Бу эса ўзига хос мураккабликларни келтириб чиқарди. Юқоридаги Конвенцияга Ўзбекистоннинг қўшилиши натижасида эса хорижий ҳужжатни легаллаштириш жараёни соддалашди. Яъни юридик ёки жисмоний шахс ҳужжатни фақатгина аполтил қўйиш учун ваколатли органга тақдим этиши лозим ҳамда аполтил қўйилган ҳужжатнинг юридик кучи юзга яқин ахдлашувчи давлат томонидан тан олинади. Ушбу аполтил учун тақдим этилиши давлатнинг расмий тилида бўлиши мумкин.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши хорижий расмий ҳужжатларни таъминлашда, шунингдек, давлатлар ўртасидаги мазкур соҳага оид муносабатларнинг янада тарзда тартибга солинишида муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, конвенция чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни янада муштахкамлаш, бу борадаги муносабатларда изчилликни таъминлашда қўл келади.

Илём МУҲАММЕДОВ, ТДЮИ магистренти.



Хотин-қизлар фаоллиги

тарғибот ишларининг таъсирчанлигига боғлиқ

Президентимиз «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятининг ривожлантириш концепцияси»да юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамятининг бошқа институтлари родини кучайтириш кераклигини таъкидлаган эди.

Концепцияда белгиланган мазкур вазифадан келиб чиқиб, жорий йил бошида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, сиёсий партиялар, Экологик ҳаракат ва бир қатор ташкилотлар томонидан Хотин-қизларнинг давлат ва жамяят қурилишидаги родини ошириш, 2011-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик режаси тузилган эди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтган семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамяят қурилиши академияси профессор-ўқитувчилари, сиёсий партияларнинг «Аёллар қаноти» вакиллари, хотин-қизлар қўмиталари қошидаги «Раҳбар аёллар» клублари аъзолари иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси

си раиси Фарида Акбарова, ЎзХДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева, Давлат ва жамяят қурилиши академияси бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар доктори Фазилдин Раваданов ва бошқалар сўз олиб, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда хотин-қизларнинг родини ошириш, партия ташкилотлари томонидан бу борада олиб бoрилаётган ишларни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлашди.

Шунингдек, Концепцияга гоёяларини рўёбга чиқаришда хотин-қизлар ташкилотлари зинмасидаги вазифалар хусусида ҳам фикр билдирилиб, бу жараёнда аёллар жамоат ташкилотларининг масъулиятини оширишга жиддий эътибор қаратиш кераклиги айтиб ўтилди.

Зухра ҲАСАНОВА



Янги тарихимиз саҳифалари



Ўзбекистон йўллари

Йўл ва унинг ободлиги масаласига Соҳибқирон Амир Темур даврида жуда муҳим масала сифатида қаралган. Ўша замонда яшаган тарихчиларнинг асарларини varaқласангиз, Амир Темур нафақат ўз юртида, балки бошқа ўлкаларда ҳам йўллар, кўприklar қурилиши бўйича улкан ишларни амалга оширганга амин бўласиз.

Соҳибқирон бобомиз ўз тузуқларида шундай ёзган эди: «Менинг салтанатимнинг бу томонидан то нарғегача бир ёш боланинг бошига бир лаган марвариднинг қўйиб, яёв йўлга солиб юборилса, у манзилга етгунча йиллар ўтар, бу бола улғаяр, лекин унинг бошидаги лагандан бир дона марварид тўкилмайдиган даражага етказдим...»

«Ўзавтойўл» ДАК бошқаруви раиси Муродилла Абдуллаевнинг таъкидлашича, Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, соҳага давлат сийсати даражасида эътибор қаратиб келинган, давлат ва халқаро аҳамиятга молик йўллари барпо этишининг устувор йўналишлари ишлаб чиқилди, ҳуқуқий асослари яратилди, унинг моддий-техника базаси замонавийлашди. Бугунги кунда тўрт тасмали бир километрик магистрални барпо этиш учун ўрта ҳисобда икки миллиард сўм маблағ сарфланади. «Ўзавтойўл» ДАК томонидан 1991 йилдан буён 3722 километрдан ортиқ халқаро ва давлат аҳамиятига молик йўллар, узунлиги 6645 погон метр бўлган 175 та кўприк, 19 та йўл ўтказиши ва транспорт ечимлари қурилди, реконструкция қилинди, умумий фойдаланишдаги магистралларнинг йил бўйи ҳавф-хатарсиз, узлуксиз хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш ишлари олиб борилди. Тизимдаги 13 та ҳудудий бошқарма, 161 та туман пудрат таъмирлаш-қайта қуриш корхоналари ҳар йили ўртача 200-250 километр масофада тубдан, 1500-2000 километрдаги йўлларда тўла ва ўрта таъмирлаш ишларини олиб бормоқда.

Қамчиқ довоғида...

Йўлсозлик тарихига Қамчиқ номи билан кирган, мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга бўлган 80 километрик масофадаги магистралнинг қурилиши мустақиллик йилларида бунёд этилган муҳим ишларимиздан биридир. Умумий узунлиги 183,6 минг километрик мамлакат йўли тармоғида Қамчиқ довоғи ўзига хос муҳим ўрин тутгани билан бирга, ҳақон магистралларини боғлашда ҳам муҳим бўлган вазифасини ўтайди.

Ўша пайтлар Фарғона водийси билан мамлакатимизнинг бошқа сарҳадлари, асосан, Тожикистон орқали боғланар эди. Бу ерда авж олган ўзаро низолар боис мазкур ҳудуддан ўтиш кун сайин хатарли бўлиб борарди.

Шундай бир шароитда Президентимиз денгиз сатҳидан 2268 метр баландликда Қамчиқ довоғи атрофида замонавий мезонларга жавоб берувчи йўлни лойиҳалаш, барпо этиш вазифасини кун тартибига қўйди, 1996 йилда Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги махсус қарори чиқди. Ана шундан кейин Қамчиқ улкан қурилиш майдонига айланди.

Худди шу кезлар Қамчиққа ilk бор бораганимиз яши эсламан. Довоннинг энг баланд нуқтасига чиқишимиз билан ярим қақирим наридаги супасимон жойга тизилган «Ўзавтойўл»нинг ишчи штабига қўзимиз тушди. Андижонлик, фарғоналик ва наманганлик йўлсозлар енг шимариб ишга киришган эди. Бу ерда бўлиб ўтадиган йиғилишларда йўлчилар билан биргаликда лойиҳачилар, портлатувчилар, электр, алоқа, гидрометеорология ва давлат автомобил йўл назорати хизмати вакиллари иштирок этишар, ҳамжиҳатликда кундалик ва олинда турган масалалар ечими муҳокама қилинар эди. Ушанда бу қурилишнинг турли ҳақбаларида тўрт мингдан ортиқ киши меҳнат қиларди.

Биринчи тоннел қурилиши мўлжалланган Қамчиқ довоғидан пастга тушишини билан бироз юрмай Резакка рўбарў бўласиз. Бу жойдан кичкинчи ер ости йўли ўтади. Унинг устидан бутун чор-атроф қафтдагидай қўринади. Икки томонда бир-бирига елкадош тоғ тизмалари, унинг бағридаги арчалар олислардан худди тепага одимлаётган одамларга ўхшаб кетади. «Ўзавтойўл» ДАК бошқарма бошлиғи Воҳид Аъзамов қурилиш

қўлами, унинг юрт равнақидаги аҳамияти ҳақида жўшиб сўзлайди: — Қамчиқдагидай кенг қўламдаги қурилишга ҳали ҳеч бир қўшни давлатларда киришилмаган. Уни йўлчиларимиз ўз малакаларига таяниб, ҳақон андозаларига мос, дунёнинг энг илғор техникалари асосида қурди. Ундан кунига 25-30 минг атрофида машина бемалол қатнаши мумкин, уларнинг анча-мунчаси дунёнинг олис юртлири томон кетади... Амалга оширилаётган улкан ишларнинг асосий максоди ҳам ана шу масалаларни ҳал қилишдан иборат эди. Ўша пайтда йўлнинг эни 6-7 метр, айрим жойларда ундан ҳам кичикроқ бўлса, янги лойиҳа бўйича 29 метр, унинг икки четига муҳофаза қисмларини қўшиб ҳисоблаганда, 36 метрни ташкил қилиши керак. Бунинг устига бу ишларни ва тоннеллар қурилишини транспорт воситалари ҳаракатини тўхтатмаган ҳолда бажариш зарур.

Мақсад — улғвор, вақт-муддат — тигиз, вазифа микёси — улкан. Махсус қурилиш ва таъмирлаш трести бунёдкорлари тоннеллар ва уларнинг атрофидаги трассаларни барпо этишса, тошкентлик, андижонлик, наманганлик, фарғоналик йўлсозлар зиммаларидаги юмушларни кунларни тунларга улаб адо эта боришди.

Бу ердаги қурилиш давомида 212 минг кубометр шағал, 90 минг кубометр темир-бетон махсулотлари сарфланди, 225 минг тонна асфальт ётқизилди.

Ниҳоят, ер ости йўллари ҳам қуриб битказилди. Уларда ённинг қарши усқунлардан тортиб, радио-телефон-у теленазорат жиҳозларига қўрилган. Ҳаракатни тартибга солиш ишлари компьютерлаштирилган, ҳаво билан таъминлаш, ҳавфсизлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

2000 йилнинг 29 августи. Офтоб чарақлаб турибди. Икки тоғ ораллиғидаги янги магистрал табиат билан азалдан уйғунлашиб кетганга ўхшайди. «Қамчиқ» тоннели олдида мазкур қурилишда иштирок этган ўзлаб йўлчилар, лойиҳачилар, бошқа хизмат вакиллари, дипломатлар ва журналистлар йиғилган. Бу ерга мазкур лойиҳа ташаббускори Президентимиз Ислам Каримов ташриф буюрди. Шу кун аша шу вақтда фидоийлик қўрсатиб, катта меҳнати синган йўлсозларнинг бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Ҳозирги пайтда бу ердан ҳар кун ўртача 15-18, ёз ойларида бўлса, 25 мингта транспорт воситаси ўтади. Бу — ҳар кун юз мингдан ортиқ кишининг ўзоғи яқин, ўн минглаб тонна юкларнинг ўз манзилларига тез ва бехатар етиб бориши таъминланган, деганидир. Бинобарин, улар орасида Осийнинг кунчиқар томонларига, жануби-шарқий ҳудудларига, Шарқ мамлакатларидан Европанинг турли минтақаларига қатнаётган кўпба транзит машиналари ҳам довоғи.

Биласиз, Қамчиқ довоғи деганда кўз ўнгингизда намоён бўлувчи трасса пуриқор тоғлар ораллиғидан ўтган бўлиб, у худди буюк бир расом мўйқалами билан чизилгандай гўзал табиат билан бағоят уйғунлашиб кетган. Албатта, лойиҳадаги ишларнинг асосий қисми бажарилган бўлса-да, қурилиш-таъмирлаш юмушлари давом этапти. 82 километрик тўрт тасмали трассани цемент-бетонга ўтказиш, йўл қопламасини мустаҳкамлаш, дара ва тоғлардаги кўчкиларга қарши ўрнатилган муҳофаза тўсиқларини янада тақомиллаштириш, хизмат кўрсатиш имшотларини модернизация қилиш ана шулар жумласидандир.

Йўлларимиз дунёга туташмоқда

Афғон шамоли ҳақида кўп эшитганмиз. Лекин эшитиш бошқа-ю, уни бошдан ўтказиш бўлакча экан. Ҳайратон кўприғидан ўтиб, Мозори Шариф томонга бироз юрмаёк, осмон-у фалакни тўзон қоғлаб, йўлни кум кўчкилари босиб қоларди. Бизнинг машиналаримиз улар устидан бир амаллаб ўтиб борган бўлса-да, бир қанча юк ортилган ва энгил автоуловлар текилиб қолган. Энди уларни фақат бўрон тингандан кейин кучли механизмлар ёрдамида қумли барханлардан тозалаш мумкин.

Чўл тугаши билан Балх вилояти бошланади. Афғонистоннинг шимолида жойлашган Балх, Саманган, Боргон ва бошқа яна саккизта вилоятни Қобул шаҳри билан боғловчи энг яқин йўл Саланг довоғи орқали ўтади. Мазкур йўналишдаги 10 та темир-бетон конструкцияли кўприкни тиклашга Афғонистон ҳукумати билан келишувга мувофиқ «Ўзавтойўл» ДАКнинг мутахассис-инженерлари 2003 йил январидан ишга киришди. Бир ой ўтар-ўтмай узунлиги 25 метр ва 100 тоннагача юкни кўтара оладиган биринчи иншоот қуриб битказилди. Унинг ишга тушиши ўшанда ўз-ўзидан катта танамага айлиб кетган эди.

Ҳадисларда айтилишича, «Масчитни бузиб кўприк солиш мумкин», — дейди Мозори Шариф шаҳри имом хатиби муовини Саъдий Ансорий, — лекин кўприкни бузиб масчит солиб бўлмайди». Ўзбекистонлик йўлчилар ана шундай савобли ишларни қилишмоқда. Биз Ўзбекистон Президентидан жуда миннатдормиз. Бутун халқимиз Салангда қилаётган хайрли ишларга раҳматларини айтади.

2003 йилнинг икки ойи ичида аввалига иккинчи ва учинчи иншоотнинг фойдаланишга топширилиши довоғнинг Хинжон томонида юришни янада осонлаштирди.

— 15 йилдан буён шу йўлдан қатнашмайман, — дейди юк машиниси ҳайдовчиси Маҳмуд Абдулхамид. — Илгарилари Салангдан ўтиш жуда азоб эди. Довонгача етиб олишга ҳафта-ўн кунлаб вақтимиз кетган пайтлар кўп бўлган. Ҳозир анча осон бўлиб қолди. Шунинг учун кўприкларни қурганларни кўп дуо қиламан.

— Биз, ўз машинамизда нефть махсулотлари ташиймиз, — дея суҳбатга қўшилди ҳайдовчи Анвар Аҳмад. — Улар жуда тез ёнувчан, ҳавфли. Очига, бундан икки ярим ой муқаддам бу йўлдан юришдан қўрқар эдик. Кўприklar қурилиб, кўп ташвишдан қутулдик. Қурувчиларингиз ишидан фақат менинг ўзим ёки оилам эмас, шу ердан ўтган ҳар бир киши миннатдор.

Шуни айтиш жоизки, йўлсозларга Саланг довоғига хос мураккаб жўрғофик шароитда ишлаш осон кечмади. «Ўзавтойўл»нинг 11 кишидан иборат илҳам гуруҳи бу масъулиятли вазифани том маънода ундади.

Уларнинг ҳар бири бир нечта касбнинг ҳадисини олган, яъни техника бошқариш, пайвандчилик, бетон қориш-у мураккаб инженерлик юмушини ҳам бажариб кетаверишарди. Бунда уларга ўзимизнинг Қамчиқ довоғида ва бошқа йирик лойиҳаларни амалга оширишда малака оширганликлари жуда асқотди. Шунингдек, кўприк қурилишида зарур бўлган оддий миҳдан тортиб, ўнлаб тонналик конструкцияларга ҳам муҳофаза тўсиқларини янада тақомиллаштириш, хизмат кўрсатиш имшотларини модернизация қилиш ана шулар жумласидандир.

лан шуғулланадиган махсус трестнинг энг замонавий машина-механизмлар билан таъминланганлиги юзлаб тонна темир-бетон конструкцияларни етказишда янада кўл келди.

Қурилишнинг энг мураккаб томони, урушлар даврида йўлнинг икки томони миналаштириб ташланганлиги сабабли жуда эҳтиёткорлик билан ишлашни талаб қиларди. Биз сафарларимиз давомида Салангга қадар, ундан кейин ҳам йўл бўйидаги оқ ва қизил рангли белгиларга тез-тез дуч келардик. Қизилга бўялган тошлар — бу ер хали миналардан тозаланмаган, дегани. Уларни бартараф этиш ишлари билан Афғонистоннинг алоҳида ҳарбий гуруҳи шуғулланарди.

Навбатдаги кўприкнинг очилиш маросимига Афғонистон ҳукумати Лойи Жирғаси, Мозори Шариф шаҳри, Саманган, Балх, Парвон вилоятлари ҳокимликлари вакиллари, халқ ичида катта обрў-мартабага эга оқсоқоллар, ишбилармонлар эрта тонгдан йиғилдилар. Кейинги йиллар ичида дастлабки бор дараж қўйинда санъатқор-бахшиларнинг тинч бунёдкорона меҳнатини мадҳ этувчи қўшиғу-куйлари янгради.

Сўз олганлар қурилган кўприklarнинг аҳамиятига юқори баҳо беришар экан, Афғонистонни қайта қуриш ва обод қилишда бошқа мамлакатлар орасида биринчи бўлиб амалий ёрдам кўрсатаётган Ўзбекистон давлати ва Президентига ўз миннатдорчиликларини қайта-қайта изҳор қилишди, бунёд этилган кўприklar икки халқ дўстлигини рамзий ифодаси эканлигини алоҳида таъкидлашди. Маросим тугаши билан эса янги иншоот ўз фаолиятини бошлади. Тўртинчи кўприқдан кейин Саланг довоғига олиб чикувчи айланма йўллар бошланади. Саланг довоғи денгиз сатҳидан 3327 метр баландликда жойлашган. Айни шу мураккаб йўлни ортда қолдирганингиздан кейин ўзбекистонлик йўлсозлар барпо этган бешинчи кўприкка етиб келасиз. Табиийки, ўнлаб тонналик темир-бетон конструкцияларини ҳам довоғнинг мураккаб қиялиги даражларидан ўтказишга тўғри келган.

Орадан кўп вақт ўтмай, бешинчи, кейин олтинчи ва еттинчи ва ниҳоят, ўнинчи кўприк ҳам ўз вақтида қуриб битказилди. Маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда ҳар кун Саланг орқали беш минг атрофида турли русумли машина ўтаётган экан. Бу оқим кундан-кунга ортиб бормоқда. Янги қурилган кўприklar эса, уларнинг ўз манзилларига тез ва ҳавфсиз етиб боришларини таъминлапти.

Ҳаётда шундай нарсалар борки, худди инсон умри каби унинг узунлиги билан эмас, балки мазмун-моҳияти ва хизмати билан баҳоланади. Бу фикрлар Афғонистонда кўприklar қурган йўлсозларимиз амалга оширган ишларга нисбатан ҳам менгасга бўлади. Улар қурган иншоотларнинг умумий узунлиги 300 метрдан зиёд масофани ташкил этади.

Йўлсозларимиз ана шу хайрли ишларни бажараётган бир пайтда, яъни 2003 йилнинг 18 июнида Техронда Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан Халқаро трансасфгон йўлагини барпо этиш тўғрисидаги Битим ҳам имзоланди.

Дунё ҳамжамиятида XXI аср бошидаги йирик гоьлардан бири сифатида қаралаётган Халқаро трансасфгон йўлаги лойиҳаси ана шу тариқа юзага келди. Бу ҳужжат бутун минтақа мамлакатларининг савдо-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш, уларнинг Форс ва Омон кўрфазларига, Ҳинд океани, Европа ва халқаро денгиз йўлларида чиқишларини таъминлашда ҳуқуқий кафолот вазифасини ўтайди.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

(Давоми кейинги сонда.)

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Мижозлар сони икки ҳисса кўпайди

Беш йил муқаддам ташкил этилган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг Қизилтепа туман филиали 1475 нафардан зиёд мижозга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Мижозларнинг 40 фоизи юридик шахс, қолгани эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидир.



«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да республикаимизда тадбиркорликка янада кенг йўл очилди, — дейди филиал бошқарувчиси Жавлон Мардиев. — Вақтида молияланган жойда яратувчилик, кенг қўламли бунёдкорлик ишларига асос солинади. Банк молиявий кўмагининг мақсадли сарфланиши эса замонавий кичик корхона, энг илҳам линия, энг илғор технология, деганидир. Боз устига янги иш ўринлари яратилишини айтмайсизми? Амалий ҳаракатимиз, иқтисодий мададимиз туфайли ўтган йили қарийб 350 та қўшимча иш ўринлари яратилди. Жорий йилнинг ўтган биринчи чорағида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун ишбилармонларга қарийб 467,1 миллион сўмлик кредит бердик. Йил охирига тадбиркорлик билан шуғулланадиган ўнлаб субъектларга яна 900 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилиши ниятдаимиз.

Бугунги кунга келиб, мазкур филиалнинг айланма капитали ёки жами активи 3 миллиард 892 миллион сўмга етган. Бу молия муассасасида пухта, мукамал ишлаб чиқилган дастур асосида иш олиб борилаётганидан дарак. Жойлардаги 62 та замонавий терминал 3,5 мингтадан ортиқ пластик картонча ағзаларига хизмат кўрсатмоқда.

— Иқмонияти юқори бўлган учун ҳам шу банк филиали билан яқиндан ҳамкорлик қиламан, — дейди «Файзли йул сервис» хусусий фирмаси етакчиси Абдулмолий Саидов. — Банкдан олган 90 миллион сўмлик микрокредит асосидаги кредитга замонавий кум

ювиш жиҳозларини сотиб олдим. Қарабсизки, тез орада туманимизда текис асфальт йўллар учун асосий хомашё ишлаб чиқаришга киришилди. Энг муҳими, 20 га яқин маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди. — Биз — қишлоқ тадбиркорларига микрокредит бериш қўлами йил сайин кенгайдик, мен ҳам кўп қатори ушбу банк билан яқин алоқа қилиб, 72 миллион сўм кредит олдим, — дейди «Мурод гул Маржон» масъулияти чекланган жамияти етакчиси Мурод Саъдуллаев. — Бу маблағ эвазига тумандаги «Оқ масжид» қишлоғида иссиқхона ҳўжалиги ташкил этдим. Ҳозир бу ерда 14 нафар маҳаллий ёш самарали меҳнат қилмоқда.

— Халқимиз «Иш биланганга минг танга», — деб бежизга айтмаган, — дейди «Дилмурод Ойбек сервис» хусусий корхонаси раҳбари Обиджон Абдуллаев. — Тадбиркорликка оид лойиҳаларни филиал жамоасига маълум тушди. Тезда 70 миллион сўм кредит беришди. Бу катта сармоя эвазига «Милтиқчи» қишлоғида илҳам фишт ишлаб чиқариш линияси барпо этдим. Бу хайрли ишми 10 нафар йигитнинг иш ўринларига эга бўлишига кенг имконият яратди.

Бундай миннатдорчилик ва шўқроналик сўзларини кўпгина бошқа ишбилармонлардан ҳам эшитдик. Қўриб турибдики, кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ўз вақтида молиялаш қизилтепалик микрокредитлар томонидан замон талаблари даражасида олиб борилапти.

Музаффар ШАРОПОВ



Янги савдо мажмуаси

Нукуслик тадбиркор Сауле Жалғасбоева ўтган йили «Ипотекабанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиалидан кредит олиб, савдо мажмуаси қурилишини бошлаган эди. Мажмуа фойдаланишга топширилган, унда қундалик истеъмол моллари ва барча турдаги уй-рўзгор буюмлари савдоси йўлга қўйилди. Беш киши иш билан таъминланди.

Матбуот анжумани

Тадбиркорлар учун имкониятлар

Миллий матбуот марказида Давлат солиқ ҳақда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмиталари томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, монополист корхоналар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тенг шартлар яратиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда қўмиталарнинг масъул ходимлари Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини тақомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишлар тартиби янада тақомиллаштиришга қарши сийсат натижасида монополист корхоналар сони 828 тага, монопол махсулотлар сони 5186 тадан 157 тага камайди, монопол махсулот ва хизматларнинг республика яли ички махсулотидеги улуши 19,3 фоизгача пасайди. Шунингдек, монополия соҳаларида рақобатлаш оладиган тармоқларни аниқлаш мақсадида 23 та табиий монополия субъектлари фаолияти, 37 та сув таъминоти ва 12 та иссиқлик таъминоти молия-ҳўжалик фаолияти ўрганилди ва таҳлил қилинди. Натижанда 16 та коммунал хизматлар кўрсатуви корхоналарнинг харажатлари таркиби қайта қўриб чиқилди ва амалдаги тарифларни пасайтиришга эришилди.

Унда қўмиталарнинг масъул ходимлари Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини тақомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишлар тартиби янада тақомиллаштиришга қарши сийсат натижасида монополист корхоналар сони 828 тага, монопол махсулотлар сони 5186 тадан 157 тага камайди, монопол махсулот ва хизматларнинг республика яли ички махсулотидеги улуши 19,3 фоизгача пасайди. Шунингдек, монополия соҳаларида рақобатлаш оладиган тармоқларни аниқлаш мақсадида 23 та табиий монополия субъектлари фаолияти, 37 та сув таъминоти ва 12 та иссиқлик таъминоти молия-ҳўжалик фаолияти ўрганилди ва таҳлил қилинди. Натижанда 16 та коммунал хизматлар кўрсатуви корхоналарнинг харажатлари таркиби қайта қўриб чиқилди ва амалдаги тарифларни пасайтиришга эришилди.

Бундан ташқари, Давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада та-

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Оммавийликдан — голибликка!

Аёллар спорт фестивали

Мамлакатимизда хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш орқали соғлом авлодни вояга етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қоракалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Нукус шаҳридаги «Манеж» спорт саройида VI аънанавий аёллар спорт фестивали ва гимнастика мусобақаларининг республика босқичини ўтказди.


Унда ёши 25 дан юқори бўлган республикадаги 16 та шаҳар ва туманлардаги меҳнат жамоаларида ишлаётган аёллар ҳамда уй бекаларидан иборат 300 дан кўпроқ жамоалар иштирок этди. Мусобақалар спортнинг 7 тури бўйича ўтказилди.

Энгил атлетика бўйича Ҳўжайли туманидан Алия Улмаганбетова, Нукус шаҳридан Дилором Сейитова, Қирғиз Мамбетқосимова, Мўйноқ туманидан Мария Утеулиева биринчи ўринни

эгаллашга муяссар бўлди. Стоп тенниси бўйича Эшлиқалъа туманидан Гўзал Отамуродова, Тахтақўпир туманидан Айман Жеқсенбаева, дартс бўйича Кўнғирот туманидан Гулнора Жуманиязова, шохмат бўйича Тахиятош шаҳридан Айна Тўраева, сузиш бўйича Нукус шаҳридан Зарифа Жумамуротова, Ҳўжайли туманидан Саида Мадаминаова ҳамда волейбол бўйича Нукус шаҳар жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Мухими, ушбу кечган мусобақалар аёллар ўртасида саломатликни мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири — спортни янада оммалаштиришга хизмат қилади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистонлик полвонлар муваффақияти

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз тўртта олтин, иккита кумуш ва тўртта бронза медалига сазовор бўлди.

Тўрт кун давом этган мазкур нуфузли мусобақада қўшамизнинг йигирма икки давлатидан келган уч юз нафардан зиёд кураши голиблик учун гиламга чиқди. Ҳар бир йўлга икки нафар кунин эркин кураш бўйича гиламга чиққан уч нафар спортчимиз олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланган.

Чемпионатнинг иккинчи кунин вакилларимиз учун янада муваффақиятли кечди. Унда бир йўлга икки нафар полвонимиз барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Ававалига ўз вазн тоифасида чиққан Кўрбон Кўрбон (96 кг) шохсупага кўтарилган бўлса, кейин икки карра Олимпия чемпиони Артур Таймазов (120 кг) яна бир бор китъада тенгсиз эканлигини исботлади.

Афина олимпиадаси чемпиони Александр Доктуришвили бош мураббийлик қилаётган юнон-рум кураши усталари ҳам мухлисларимизга бир-биридан чиққан гиламларини тўхфа қилди. Унда етти вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртларимиздан беш нафари голиб ва совриндорлар қаторидан жой олишди.

— Ўзбекистон чинакам истеъдодлар юрти, — дейди

терма жамоа бош мураббийи Александр Доктуришвили. — Спортчиларимизнинг Осиё ва жаҳон чемпионатлари, йирик халқаро турнирларда кўлга киритаётган ютуқлари тасодиф эмас. Ҳадемай, Лондон олимпиадасига йўлланма берувчи бахсларга киришамиз. Тошкентда ўтган беллашулар ана шу муҳим мусобақалар олдидан курашчиларимиз учун ўзига хос тайёргарлик ва маҳорат мактаби вазифасини ўта берди. Агар эътибор қилган бўлсангиз, Осиё чемпионатида юртимиз шарофтини ҳимоя қилган терма жамоа таркибидан бири қатор янги номларга кўзингиз тўшади. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этганини янада қувонарлиқдир. Биз уларга ишониб адишмаган эканмиз. Курашчиларимиз қўшамизнинг кучли полвонларига қарши муносиб беллашди ва мухлисларни хурсанд эттишди.

Юнон-рум кураши бўйича Элдор Ҳафизов (55 кг) кумуш медал билан тақдирланган бўлса, бир йўла уч курашчи бўлса Дилшод Орипов (60 кг), Азизбек Муродов (74 кг), Рустам Султонов (84 кг) шохсупанинг фахрли учинчи погонасидан жой олди. Эътиборлиси, терма жамоанинг янги аъзоси Евгений Ачкасов (96 кг) эса Осиё чемпиони деган шарофатни юртига олиб келди.

Яна бир қувонарли жиҳати, аёллар мусобақасида илк мартада Ўзбекистон терма жамоаси беш нафар спортчи билан иштирок этди. Гарчи, улар оғир ва совриндорлар қаторидан жой олишмаган бўлса-да, бундай нуфузли мусобақада иштирок этиш улар учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтади.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Футбол бўйича мамлакатимиз 20-миллий чемпионатининг 9-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

«Металлург» — «Пахтакор» — 0:1, «Навбахор» — «Насаф» 1:1, «Бунёдкор» — «Олмалик» — 4:1, «Шўртан» — «Қизилқум» — 1:0, «Бухоро» — «Нефтчи» — 0:1, «Машъал» — «Сўғдиёна» — 1:1, «Динамо» — «Андижон» — 3:1. Энди чемпионат пешқадамлари «Бунёдкор» 25, «Пахтакор» 22, «Насаф» 21 очкога эга бўлди.

Тиббиёт масканларида

Соғлом авлод — жамият таянчи

Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш бўйича соғлиқни сақлаш тизимида қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.



Ҳомилалар аёллар ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтиши касалликларни эрта аниқлаш ва даволашда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, —

дейди Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 45-оилавий поликлиника бош шифокори Наргиза Шермухамедова. — Поликлиникамиз 7 та маҳалла аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади.

Ҳар бир маҳаллада аҳоли билан ишлаш гуруҳлари ташкил қилинган бўлиб, гуруҳ таркиби 1 нафар врач, 2 нафар ҳамшира ва 1 нафар маҳалла фаолидан иборат. Уларнинг ҳар бирига эса 2 ёки 3 тадан кўчалар бириктирилган.

Ҳозирда поликлиникада 20 минг нафардан ортиқ аёл рўйхатда туради. Шундан 16 минг 66 нафари фертил ёшидаги аёллардир. Улар учун эса ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини саломатлик ҳафтаси деб қўйиб, унда малакали шифокорлар суҳбатлар олиб бормоқда. Шу билан бирга, аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида поликлиникада 10 кунга мўлжалланган

кундузги стационар даволаш бўлими ташкил қилинган. У ерда ҳар ой 20 нафар фертил ёшидаги аёллар ўз соғлиқларини тикламоқдалар.

Бундан ташқари, поликлиникамизда аҳолининг тиббий соҳасида саводхонлигини ошириш борасида турли мавзуларда мутахассислар иштирокида маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда, — дейди тиббиёт масканининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича маъсул ходими Арофат Набиқўжаева.

Бу тадбирлар аҳоли тиббий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

«Корхона — коллеж» ҳамкорлиги

битирувчиларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ихтисоси бўйича иш билан таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда Қашқадарё вилоятидаги «Шўртангазим» мажмуаси ва Фузур транспорт касб-хунар коллежи ўртасида яхши ҳамкорлик йўлга қўйилди.

— Коллежимизда 1090 нафар ўқувчи тўққиз йўналиш бўйича таълим олмақда, — дейди коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Қўйин Халилов. — Бизда темир йўл транспорт ходимлари, нефтьгаз тизими операторлари, техник лаборантлар ва бошқа мутахассислар тайёрланмоқда.

«Шўртангазим» мажмуаси коллежимизнинг доимий ҳамкори ва ҳомийси сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалари олишимиз учун 5 миллион сўм маблағ ажратди.

Энг муҳими, ушбу мажмуа билан малакали мутахассислар тайёрлаш юзасидан шартнома тузганмиз. Ҳозирда ўқувчиларимиз амалий қўнқималарни корxonанинг кимё ва ишлаб чиқариш бўлимида, автоҳўжалигида ўтказишмоқда. Бу йил коллежнинг 370 нафар ўқувчи тугатмоқда.

— Транспорт коллежи нефть ва газни қайта ишлаш бўлимида тахсил олялган, — дейди Ғиёс Бойқобилов. — Бу йил кол-

лежни битирсам, иш ўрни таъин, ана шу корхонада ишламоқчиман. — Мен ҳам шу бўлимда ўқияман, — дейди коллеж битирувчиси Умид Мейлиев. — Отам ана йиллардан буюн «Шўртангазим» корхонасида меҳнат қилади. Келажақда мен ҳам шу ерда ишлаш ниятидаман.

Фузур тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, халқ депутатлари туман кенгаши де-путати, ЎзДП фаоли Дилбар Ҳўжакулова туманда янги иш ўринлари яратиш, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳақида шундай деди: — Корхона ва коллеж ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти жуда катта. Ушбу тажрибани кенгроқ қўллаб, йирик корхоналаримиз имкониятларини тўлиқроқ ишга солсак, бундан ҳар иккала томон ҳам манфаатдор бўлади.

Юнус УЗҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
- Latif G'ULOMOV
- Bobir ALIMOV
- Sharbat ABDULLAYEVA
- Murodulla ABDULLAYEV
- Ulug'bek MUSTAFOYEV
- Tat'yana KISTANOVA
- (Bosh muharrir o'rinbosari)
- G'affor HOTAMOV
- (Bosh muharrir o'rinbosari)
- MUHIDDIN MUHIDDINOV
- OCHILBOY RAMATOV
- Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ko'ribiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 549
18328
nuxsada bosildi.
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'ZA yakuni — 21.50
Topshirilgan vaqti — 00.20
Sotuvda erkin narxda

Қилмиш — қидирмиш

Нафақа пуллари тайинлашда

17 мартаба қонун бузилишига йўл қўйилган

Мақсуда Қориева Денов шаҳридаги Остонакулов номли маҳалла фуқаролар йиғинида қотиба, Шўхрат Назаров эса бандликка кўмаклашиш маркази ходими бўлиб ишлаб келган.

Улар 2009-2010 йилларда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, 2 ва 16 ёшга бўлган болалар учун нафақа бериш комиссияси аъзоси бўлишган. Маҳалладошлари томонидан ўзларига ишониб топширилган вазифани виждонан бажариш ўрнига бир неча бор қонунга хилоф иш қўришган. Мухтож одамларга йўналтирилган ижтимоий нафақаларни ўзлаштириб юборишган.

Жумладан, тиббиёт коллежи ўқитувчиси Норгул Жалилова 2009-2010 йилларда салкам 4 миллион сўм маош олган бўлишига қарамай, Мақсуда Қориева ва Шўхрат Назаровлар унинг даромадини 1 миллион 260 минг сўм деб далолатнома тузишди. Шундай қилиб, Норгул Жалилова мухтож бўлмаган ҳолда 341 минг сўм ёрдам пули олган.

2009 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Парвина Давроновага 2 нафар фарзанди учун 67 минг сўм, декабрь ойида эса 37 минг 680 сўм тўланган. Текширишларда аёлни турмуш ўртоғи туман Давлат солиқ инспекциясида инспектор вазифасида ишлаши, моддий ёрдам олиш учун ҳеч қандай асос йўқлиги, ушбу оиланинг моддий таъминоти жойида эканлиги маълум бўлган.

Шунингдек, Гулсара Чориева, Сайёра Муслимова, Ирода Юсуповага 954 минг 385 сўм миқдорда ноқонуний ёрдам пули тарқатилган.

Нурия Ахсанова 1991 йилда туғилган. У 18 ёшдан ошган бўлишига қарамай, 2009 йилнинг октябридан 2010 йилнинг январь ойигача ноқонуний нафақа пули олиб турган.

Шундай қилиб, 2009-2010 йилларда Мақсуда Қориева ва Шўхрат Назаров нафақа пуллари тайинлашда 17 мартаба қонун бузилишига йўл қўйилган. Яқинда суд бу жиноий шериклар қилмишини қонуний қўриб чиқиб, уларга жиноятларига яраша жазо тайинлади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Аҳолининг ижтимоий муҳофазасига йўналтирилган давлат маблағлари талон-торож қилинаётганидан мутасадди идоралар нега бехабар қолди.

Омон АРАБОВ,
Жиноят ишлари бўйича Денов туман суди судьяси.
Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО 24-25.05. 2011

	БУГҲН	ЭРТАГА
Тошкент	35°	37°
Самарқанд	33°	38°
Нукус	32°	37°
Қарши	37°	42°
Урганч	32°	37°
Навоий	34°	39°
Фарғона	30°	35°
Бухоро	34°	39°
Андижон	30°	35°
Наманган	30°	35°
Термиз	37°	42°
Жиззах	33°	38°
Гулистон	33°	38°
Тошкент вил.	33°	38°
Лондон	9°	11°
Париж	11°	10°
Москва	6°	8°
Мадрид	14°	10°
Пекин	15°	15°
Гонгконг	24°	25°
Рим	11°	12°
Анкара	7°	8°
Токио	15°	15°
Стокгольм	6°	6°
Кейптаун	16°	16°
Қоҳира	15°	15°
Гавана	23°	24°
Вашингтон	16°	17°

Navbatchi:
Behzod SHUKUROV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV
ISSN 2010-7433
1 2 3 4 5